


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 4 февраль, № 24 (5954) Сешанба


## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

■ *Пискент туманида ўтган йили енгил саноат йўналишида 3 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, қарийб 500 киши иш билан таъминланди.*

### Қишлоқда саноат ривожи

“Dinil Tabassum” хусусий корхонаси — ана шулардан бири. Асосан, чакана савдо билан шуғулланиб келган мазкур кичик бизнес субъекти ўз тасарруфидаги бўш бинони реконструкция қилиб, ишлаб чиқариш цехига айлантирди. Яқиндан бошлаб бу ерда дастлабки маҳсулот — эркаклар, аёллар ва болалар учун бежирим либослар тикила бошланди.

— Энг илғор тикувчилик ускуналарига эгамиз, — дейди тадбиркор Мелис Содиқов. — Бунинг учун ўз маблағимиздан ташқари, банкнинг 100 миллион сўмлик кредитидан фойдаландик. Мақсадимиз — қишлоқда саноатни ривожлантиришга ҳисса қўшиш, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Таркибида пальма ёғи мавжуд бўлган қандолат маҳсулотлари инсон саломатлиги учун ҳам фойдали. Қолаверса, ушбу ўсимлик мойи ширинликнинг узоқ муддат юмшоқ сақланишини таъминлайди.*

### Янги технология ва самарадорлик

Яқинда Сирдарё туманида иш бошлаган “Карвон” масъулияти чекланган жамиятида қандолат маҳсулотлари тайёрлашда ана шу ноёб хом ашёдан фойдаланила бошланди.

— Хориж технологиялари иш самарадорлигини оширишда қўл келмоқда, — дейди масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зиёдулла Асқаров. — Бу эса маҳсулотларимизнинг қисқа фурсатда ўз харидорларини топишида муҳим омил бўлди.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Наманган туманилик тадбиркор Маҳмуджон Акбаров ташаббуси билан Тошбулоқ шаҳарчасидаги бўш турган икки қаватли бино таъмирдан чиқарилиб, бир қатор савдо дўконлари, сервис шохобчаси ҳамда пластик эшик ва дераза ромлари тайёрлаш цехи ишга туширилди.*

### Уч йўналишда фаолият

— 200 миллион сўм эвазига амалга оширган лойиҳамиз туфайли ўн нафарга яқин ёш ишли бўлди, — дейди хусусий тадбиркор. — Яқин вақт ичида ишчиларимиз сони тўрт баравар ортади. Бунинг учун лойиҳамизнинг навбатдаги босқичи — металлга ишлов бериш цехи ҳамда замонавий тўйхона ва умумий овқатланиш шохобчасини ҳам фойдаланишга топширишни мўлжаллаб турибмиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Инновацион технологиялар ёрдамида чиқиндиларнинг қайта ишланиши нафақат атроф-муҳит мусаффолигини таъминлайди, балки қўшимча даромад топиш имконини ҳам беради.*

### Ҳар томонлама фойдали

Шуни ҳисобга олган Қарши шаҳридаги “Chevar tikuvchilari” масъулияти чекланган жамияти жамоаси пахта чиқитларидан йилига 100 минг АҚШ долларилик момиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Лойиҳа туфайли корхонада янги тармоққа асос солинди, — дейди жамият раҳбари Обид Ҳамидов. — Қайта ишланган момиқдан болалар ўйинчоқлари, енгил кўрпа ёпинчиқлари тайёрлашда асосий хом ашё сифатида фойдаланилади. Ундан, ҳатто, экспортбоп маҳсулотлар ҳам тайёрлаш мумкин.

Янги тармоқ ҳисобига корхонада юздан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Ўзбекистон қисқа ва узоқ муддатли вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олган»

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси юзасидан Шанхай экспертлар уюшмаси вакиллари ўзларининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.*

### ДУНЁ НИГОҲИ

**Циянь Юаньюань, Шанхай ижтимоий фанлар академияси Миллий иқтисодиёт институти ҳузуридаги Ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларни ўрганиш маркази директорининг ўринбосари:**

— Ўзбекистон раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси республикада қўлга киритилган муваффақиятлардан фахрланиш ҳамда истиқбол учун комил ишонч туйғуларини уйғотиши билан ҳам эътиборга молик. У ўзбек халқининг фидокорлиги ҳамда меҳнатсеварлиги туфайли мамлакат бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганини яққол англаш имконини беради. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг натижасидир.

“Жиззах” махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани Хитой ишбилармонларининг эътиборини ўзига тортгани ҳолда, Ўзбекистонга йўналтирилган сармоялар оқимини рағбатлантирди. Ислом Каримов маърузасида қайд этилганидек, 2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатда 13 миллиард АҚШ доллари қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилган ва бу 2012 йилдагига нисбатан 11,3 фоиз кўпдир. Сармоянинг бундай барқарор оқими эса иқтисодиётни модернизациялаш, хорижлик ишбилармонларга қулай инвестиция муҳитини ҳамда ишончли кафолатлар тизимини яратиш бўйича самарали йўл танлаб олинганининг яққол далолатидир.

**Ли Синь, Шанхай халқаро тадқиқотлар академиясининг Россия Федерацияси ва Марказий Осиёни ўрганиш маркази директори:**

— Ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиши 8 фоизни ташкил қилгани Ўзбекистоннинг қисқа ва узоқ муддатли вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олгани ҳамда келгусида рўй берадиган ўзгаришлар юзасидан устувор йўналишлар тўғри танлаб олинганининг самараси ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

### ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб ўтказилган мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган долзарб вазифалар ижросига жойларда бўлиб ўтаётган фаоллар йиғилишида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар беради.*

## Амалий натижалар сарҳисоби

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган йили ҳудудда ялпи ҳудудий маҳсулот 11,5 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 11,5, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 13, қурилиш ишлари ҳажми 20,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,1, савдо ва умумий овқатланиш 27,6, жами хизматлар ҳажми 15,5 фоиз ўсди.

Саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш бўйича ҳудудий дастур доирасида 50,8 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция ҳисобидан 295 та кичик корхона ташкил этилди.

Ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Чунончи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 271,4 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Натижада мазкур соҳа вакилларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 64 фоизга етди.

Ҳисобот даврида ҳудудий дастур асосида 49 минг 991 янги иш ўрни яратилгани, шунинг қарийб ярмига коллеж битирувчилари қамраб олингани таъкидланди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди. Мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан соҳа мутасаддиларига аниқ топшириқлар берилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

## МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

*Китоб ҳар бир қалб эгасининг йўлини ёритувчи маёқ, маслакдош дўст, маънавий камолотга етакловчи ҳамроҳдир. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ юртимиздаги мавжуд зиё масканлари фаолиятини яхшилаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш устувор вазифалардан бирига айланди.*

**2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ**





Бунда Президентимизнинг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб келаётир. Ҳозир ўз ахборот-ресурс марказига эга бўлган Республика болалар кутубхонасида анъанавий технологиялар асосида хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бораяпти. Бу эса китобхонларимиз сафининг янада кенгайишида муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда кутубхона фондида 219 мингдан зиёд адабиётлар ва 100 дан ортиқ бошқа турдаги нашрлар мавжуд бўлиб, улар фаннинг барча соҳалари бўйича болалар ёшини ҳисобга олувчи бадиий адабиётлар, илмий-оммабоп нашрлар, ижтимоий-сиёсий китоблар, журналлар, Ўзбекистонда ва Ҳамдўстлик давлатларида нашр қилинган болалар ҳамда катталар учун газета-журналлар, энциклопедия-луғатлар, видео-аудио кассеталардир.

(Давоми 4-бетда).

### АНЖУМАН

*Пойтахтимизда “Ёшлар камолотида жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни ва уни янада ривожлантириш истиқболлари” мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.*

## Баркамол авлод тарбияси — устувор мақсад

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимиз раислигида яқинда Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, мураббий ҳамда мутахассислар, спорт жамоатчилиги, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш жараёнида унинг узвий қисми сифатида болалар спортининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш,

(Давоми 2-бетда).

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

*Ўзбекистон Республикасининг Чехиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Берлинда) Дурбек Аманов 2014 йил 28 январь куни Чехия Республикаси Президенти Милош Земанга ишонч ёрлиқларини топширди.*

Маросимдан сўнг бўлиб ўтган суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Милош Земан Чехиянинг Ўзбекистон билан сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, сайёҳлик ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришдан манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Суҳбат якунида Чехия Республикаси Президенти Ўзбекистон раҳбариятига ҳамда халқига чин қалбдан муваффақият ва фаровонлик тилакларини изҳор этди.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Ўтган йил якунларига кўра, мамлакатимизда кўрсатилган хизматлар ҳажми**

**13,5**

**фоиз ўсди.**

2013 — 2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасида минглаб савдо-маиший комплекслар барпо этилгани, шунингдек, энг чекка ҳудудларда ҳам минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари очилгани соҳада ана шундай юқори ўсиш суръатига эришишда муҳим омил бўлди.

НАВОИЙ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Вилоят фаоллари йиғилишида ўтган йили ҳудудда ялпи ҳудудий маҳсулот 4,5 фоиз, хусусан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 4,7, истеъмол товарлари 11,1, қурилиш 11,2, чакана савдо айланмаси 15,4, хизматлар ҳажми 16,7 фоиз ошгани таъкидланди.

Ҳисобот даврида ўтган йили вилоятда 762 кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларни қўллаб-

# Амалий натижалар сарҳисоби

қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 295,4 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилгани айтилди.

Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада аниқ чора-тадбирлар кўрилди. Бунинг самараси ўлароқ, 2013 йилда ҳудуд бўйича 41,4 мингта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг қарийб ярмидан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг сабаблари ҳам таҳлил қилинди. Бу борада ечимини кутаётган масалалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди.

# «Ўзбекистон қисқа ва узоқ муддатли вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олган»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада равнақ топтиришга ишонч билдирилгани ҳам узоқни ўйлаб қабул қилинган қарордир. Ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келаётгани эса бу фикрни яна бир карра тасдиқлайди.

Иқтисодий вазиятларнинг доимий ўзгарувчанлигига ҳозиржавоблик ҳамда яни шарт-шароитларга тезкор мослашишга қодирлик кичик корхоналарнинг муҳим афзаллигидир. Шу маънода, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани алоҳида аҳамиятга эгаки, унинг фаолияти ишбилармонлик операцияларини кенгайтириш, халқаро жамкорликни чуқурлаштириш ҳамда хориждан замонавий технологияларни жалб қилишга кўмаклашаяпти.

**Лю Цзюньмэй, Фудан университети Иқтисодиёт институтининг декан ўринбосари:**

— Шуниси қувонарлики, Ўзбекистонда Хитойнинг қатор компаниялари қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда қатнашмоқда. Хитой компанияларии иштирокида мобиль телефонлар ишлаб чиқарилаётгани, Деҳқонобод ва Қўнғиротдаги заводларнинг модернизациялаштирилиши билан боғлиқ муҳим далиллар ҳам Президент маърузасида ўз ифодасини топгани хитойлик ишбилармонлар учун кучли рағбатлантирувчи омил саналади.

2013 йилда хитойлик шериклар билан ҳамкорликда транспорт коммуникацияси соҳасида Ўзбекистон учун улкан стратегик аҳамиятга эга "Ангрен — Поп" йўналишида электрлаштирилган янги темир йўлни ҳамда 19 километрлик темир йўл тоннелини қуришни кўзда тутадиган лойиҳа ижроси бошланган ҳам алоҳида эътирофга лойиқ воқеликдир. У истиқболда Европа ва Осиё ўртасидаги трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлиб қолиши шубҳасиз.

**«Жаҳон» АА.**
Шанхай

ҒАМХЎРЛИК

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ўз мазмун-моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ҳар биримизнинг фаровон яшашимиз учун зарур шарт-шароит яратиб беришга йўналтирилган.*

# Меҳр ва эътибордан кўнгиллар обод

Буни ўз даврида юртимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган нуронийларимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳозирги пайтда юртимизда 4395 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва ногирони, 80 мингдан зиёд уруш орти меҳнат фахрийлари, 19 мингдан ортиқ якка-ёлғиз кексалар, 1400 нафар юз ва ундан юқори ёшдаги мўътабар бобо ҳамда момоларимиз умргузаронлик қилишмоқда.

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгашининг 2013 йил якунлари ҳамда истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишида ана шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Айни чоғда фахрийларни ижтимоий, маънавий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайиб бораётгани диққатга сазовордир.

Ҳисобот даврида 52 минг нафар фахрий давлат ва жамоат ташкилотлари кўмагида тиббий кўрикдан ўтказилди. Шундан 26 минг нафари шифохоналарда, ўн бир минги санаторийларда саломатликларини мустаҳкамлаб қайтишди.

Йиғилишда Президентимизнинг 2013 йил 25 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони фахрийларни қўллаб-қувватлаш йўналишида катта аҳамият касб этгани таъкидланди. Зеро, ушбу ҳужжатга биноан, 4940 нафар уруш қатнашчиси ва ногиронига 500 минг сўмдан пул мукофотлари берилди.

Умуман, фахрийларимиз халқимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб яшамоқдалар.

Тадбирда Соғлом бола йилида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

САМАРҚАНД

Вилоят фаоллари йиғилиши сим орқали мулоқот тарзида ташкил этилиб, муҳокама жараёнларини барча маҳаллий Кенгашлар депутатлари, бошқарма ва идоралар, йирик саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, коллежлар директорлари кузатиб бориш ҳамда ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўлдилар.

Йиғилишда ўтган йили вилоятда амалга оширилган ислоҳотлар натижалари таҳлил қилинди. Хусусан, 2013 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,4 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш даражаси 10,4 фоизга етди. Қишлоқ хўжалиги 6,5, қурилиш-пудрат ишлари 18,6, чакана савдо айланмаси 16,6, жами хизматлар 24,1 ва пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 18,3 фоиз ўсди.

Вилоятдаги корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 127 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу борада 34,6 фоиз ўсишга эришилди.

Ҳисобот даврида вилоятда 1786 кичик бизнес субъекти ташкил қилиниб, уларга 535 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бундай чора-тадбирлар туфайли ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 77,1 фоизга етди.

Йиғилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, мазкур соҳани янада кенг ривожлантириш масалалари атрофлича кўриб чиқилди, бу борада аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқулов иштирок этди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ, А. ЗАРИПОВ, А. ҲАЙДАРОВ.**

# Бизнес лойиҳа шарофати

*Яқин вақтларгача қурилиш саноатида ишлатиладиган полиэтилен маҳсулотлар Фарғона вилоятига, асосан, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан келтириларди.*

ТАШАББУС

Фарғона шаҳридаги "Eko-plastex" корхонаси жамоаси ўтган йилдан бошлаб бу муаммони ҳал қилишга астойдил киришди. Шу мақсадда тайёрланган бизнес лойиҳа банк томонидан қўллаб-қувватланиб, 9,5 миллиард сўмлик маблағ ажратилди.

Айни пайтда янги корхонада 100 дан зиёд ишчи меҳнат қилаяпти. Улар томонидан 20 турдан ортиқ қурилишбоп саноат маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхона раҳбари Б. Султоновнинг таъкидлашича, эндиликда бу ерда экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш чоралари кўрилаётир.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



МОДЕРНИЗАЦИЯ

*Бугун мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Сабаби, барча янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришга хизмат қилмоқда.*

# Изланиш — муваффақиятлар гарови

Ўтган йили Самарқанд вилояти иқтисодиётида эришилган натижалар бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, вилоят саноатидаги ижобий ўзгаришлар ҳақида гап кетганда, Жомбой туманидаги "Амин Инвест Интернешнл" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси алоҳида тилга олиниши бежиз эмас. Чунки ушбу корхона, мана, ўн олти йилдирки, ҳудуд иқтисодиётини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Корхона фаолиятида кейинги уч-тўрт йил, айниқса, ривожланиш даври бўлди. Чунки мазкур вақт давомида унинг цехлари Швеция, Германия сингари мамлакатлардан келтирилган энг замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Натижада маҳсулот тури кўпайди, сифати эса янада яхшиланди. Энг муҳими, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги барча жараённи шу ернинг ўзида амалга ошириш имконияти вужудга келди. Масалан, корхонага олиб келинган пахта толаси, энг аввало, йигирув цехида ип ҳолига келтирилади. Кейин ундан мато тўқилади. Учинчи босқичда эса матоларга ранг берилиб, пировардида турли кийим-кечаклар тикилади.

— Ҳозирги кунда 14 турда либослар ишлаб чиқараяпмиз, — дейди корхона директори Эмма Кастамирова. — Жамоамизда меҳнат қилаётган 500 нафардан зиёд маҳаллий мутахассислар учун етарлича шарт-шароит яратилган. Жумладан, уларга икки маҳал иссиқ овқат берилади. Байрам ёки бошқа тадбирларда илғорлар мунтазам рағбатлантириб борилади. Буларнинг бари олдимизга қўйган мақсадларимизни муваффақиятли амалга оширишда қўл келаяпти.

Корхонада ўтган йили 2 миллион 333 минг дона кийим-кечак тикилиб, унинг 85 фоизи экспорт қилингани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Бунда Холбуви Узоқова, Нозимаой Норкулова, Дилфуза Турдиева, Нафиса Турсунова, Гулсара Аллаёрова, Саломат Мамасолиева, Матлуба Умарова, Гулчеҳра Фозилова сингари тикувчиларнинг муносиб улуши бор, албатта.

Бундан ташқари, корхонада тумандаги кам таъминланган оилаларга, вилоятдаги Меҳрибонлик уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш ҳам яхши анъанага айланган.

Корхона жамоасининг келгуси режалари ҳам бисёр. Соғлом бола йили муносабати билан болалар спорт кийимлари тикишни ўзлаштириш шулардан бири ҳисобланади. Бундан кўринадики, улар бозор талабини пухта ўрганиб, замон билан ҳамнафас қадам ташлашга интилмоқда. Бу эса муваффақиятлар гаровидир.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# Қонунийликни таъминлаш — муҳим вазифа

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида адлия органлари ва муассасалари томонидан 2013 йилда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш йўналишида амалга оширилган ишлар ва жорий йилда қилиниши лозим бўлган вазифаларга бағишланган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.*

ТАДБИР

Мажлисда адлия вазири Н. Йўлдошев таъкидлаганидек, вазирликнинг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш вазифасидан келиб чиққан ҳолда, ўтган йили 56 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, 12 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Айни чоғда 1081 норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 1334 та қарор лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан, 403 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат эса давлат рўйхатидан ўтказилди.

Адлия органлари ва муассасалари фаолиятида иш юритиш, ҳужжатлар ижросини назорат қилиш тартиби, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш қоидалари ва бошқа бир қатор ҳуқуқий меъёрлар амалиётга киритилаётгани ҳам иштирокчилар томонидан эътироф этилди. Бундан ташқари, тизимда электрон ҳужжат алмашинуви жорий қилиниши ижро интизоми мониторингини олиб бориш ишларида самарадорликни оширишни таъминламоқда.

Тадбиркорлар ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шартномавий-ҳуқуқий ишлар назорати соҳасида ўтказилган текширишлар натижаси бўйича киритилган таъсир чораларига асосан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг 4 мингдан зиёд ноқонуний ҳужжатлари ижроси тўхтатилди ва бекор қилинди.

Тошкент давлат юридик университетида таълим сифатини ошириш мақсадида ўқув дастурларини қайта ишлаб чиқиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Тадбирда бундай ижобий ишлар билан бирга, айрим адлия органлари ва муассасалари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартараф этишга қаратилган тавсиялар берилди.

Ҳайъат мажлисида истиқболдаги устувор вазифалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот хизмати.**

# Баркамол авлод тарбияси — устувор мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

умумтаълим мактабларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни бугунги кун талабларига мос тарзда жиҳозлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилаяпти. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Фарзандларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини, ирода, қатъият, мардлик ҳамда ғалабага бўлган интилиш фазилатларини шакллантириш, улар ўртасида спортнинг янада оммалаштиришда Олимпия ҳаракати тамойилларига тўлиқ мос келадиган, дунёда ўхшаши йўқ ноёб тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақалари ҳам катта аҳамият касб этаяпти.

Анжуманда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасалари — Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, Республика олий спорт маҳорат мактаби, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия захиралари коллежлари фаолиятини янада жонлантириш ҳамда бу орқали маҳоратли спортчилар, малакали мураббий ва мутахассислар тайёрлаш масаласи қизғин муҳокама этилди.

Шунингдек, болалар спортини ривожлантириш бўйича педагогик, илмий-услубий қўлланмалар базасини яратиш, қизларни спортга янада кенгроқ жалб қилиш, оилаларда спортни оммалаштириш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва саралаш тизимини янада такомиллаштириш каби устувор вазифалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Соғлом турмуш ва тарғибот масъулияти

*Инсоният тараққиётнинг янги чўққиларини забт этмоқда. Бироқ жаҳонда халқлар, миллатлар келажагига таҳдид туғдирувчи бир қанча омиллар ҳамон сақланиб қолаяпти. Бугунги кунда дунё жамоатчилигини ташвишга солаётган ана шундай масалалардан бири гиёҳвандлик балосидир. Бежиз унга аср вабоси, умр заволи, ажал тўри, деб таъриф беришмайди. Наркотик воситалар билан ноқонуний муомалада бўлиш оғир жиноят, ижтимоий иллат ва кечириб бўлмас гуноҳ саналади.*

ДАВРА СУҲБАТИ

Боиси ушбу хатар гепатит, ВИЧ/ОИТС, сил, таносил ҳамда руҳий касалликлар, қиниғ ишлар содир этилишига сабаб бўлади, мамлакатнинг моддий-техник, интеллектуал салоҳиятини пасайтиради.

Юртимизда гиёҳвандлик, психотроп моддалар ноқонуний айланишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиб келинаяпти. Хусусан, бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий-ташкилий пойдевор яратилган, соҳага оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Шу билан бирга, қатор халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг тегишли тузилмалари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Айни чоғда мамлакатимизда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"-ги Қонун ҳамда 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланмасига қарши комплекс чора-тадбирлар дастури, шунингдек, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси доирасида аҳоли, айниқса, ота-оналар, ёшлар ўртасида кенг миқёсли амалий, профилактик чора-тадбирлар амалга ошириб келинаяпти. Қолаверса, маҳаллалар, ташкилотлар, таълим муассасаларида давра суҳбатлари, семинарлар, учрашувлар ўтказиш анъанаси йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, бу борада ҳуқуқий тарғибот ва тушунтириш жараёнлари салмоқли роль ўйнайди. Шунинг учун республикамиз ички ишлар органлари томонидан манфаатдор вазирлик, идора, ташкилот ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ёшларнинг наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларни содир этиши ҳамда гиёҳвандлик йўлига киришига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб-ташвиқ қилиш бўйича мақсадли саъй-ҳаракатлар амалга ошириб келинаяпти. Масалан, Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан ҳокимликлар, манфаатдор идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар йили февраль ойида "Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши кураш ойлиги"ни ташкил этиш анъанага айланган.

Яқинда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси Махсус авиация ишлари авиакомпанияси(SAR)да бўлиб ўтган давра суҳбатида шулар хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортдаги ички ишлар бошқармаси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

— Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилиниши даркор, — дейди Ўзбекистон ИИВ Транспортдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси бошлиғи С. Шеров. — Демак, гиёҳвандликка қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёшларни бу балодан асраш учун тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш муҳимдир. Ушбу тадбир ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Унда соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида атрофлича маълумот берилиб, мавзуга доир ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**С. МАХСУМОВ.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Ўтган ҳафтада Хитой аҳолиси Янги йил байрамини нишонлади, дейилади “Синьхуа” ахборот агентлиги хабарида.*

## Ўзига хос байрам



Хусусан, турли бадиий чиқишлар ташкил этилиб, куй-қўшиқлар янгради. Осмонга минглаб мушаклар отилди. Хитой Янги йилининг ўзига хослиги шундаки, шу куни одамлар хонадонларида, кўчаларда бор овозда қийқирадилар. Мавжуд афсоналарга кўра, бу шовқин йил давомида ёвуз кучларни бартараф этишга хизмат қилар экан.

## Мафтункор ўйин

*АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳридаги санъат музейида “Футбол — мафтункор ўйин” номли кўргазма очилди.*

Миллионлар ўйинига бағишланган мазкур тадбирда турли суратлар, расмлар, эсдалик совғалари, ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда. Ташкилотчиларнинг айтишича, бундан кўзланган мақсад аҳолининг футболга қизиқишини оширишдир.

Кўргазма шу йилнинг ёзида Бразилияда бўлажак жаҳон чемпионатигача давом этади.



## Медузага ўхшаш галактика

*Бир неча йиллардан бери коинотимизни ўрганаётган “Хаббл” телескопи ёрдамида янги галактика кашф этилди.*

“Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, у “IC 3418” рақами билан белгиланди. Қизиқ жиҳати, галактиканинг кўриниши худди медузага ўхшайди. Сайёрамиздан унгача бўлган масофа 54 миллион ёруғлик йилига тенг.

## Даромади ошмоқда

*2013 йилнинг сўнгги чорагида пул тўлаш тизими бўйича дунёга машҳур “Visa Inc.” компанияси даромади 11 фоиз ошиб, 3,14 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.*





Бу ҳақда компания матбуот хизмати томонидан тарқатилган хабарномада қайд этилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам бундай ўсиш суръати давом этиши кутилмоқда.

## Ёшаришни хоҳлайсизми?

*Олимлар қариликнинг олдини олиш ва уни ортга қайтариш йўлини топдилар.*



Бу кашфиёт аллақачон бутун дунёга шов-шув бўлиб улгурди. Мазкур тажриба дастлаб сичқонларда синаб кўрилган. Икки ёшга кирган жониворлар ҳужайраларига никотинамид-аденин-динуклеотид (NAD) кимёвий моддалари бириктирилганда, улар олти ойликка ўхшаб қолган. Ушбу тадқиқот ёшартириш хусусияти билан бирга, одамларда учрайдиган қандли диабет хасталигининг 2 типини даволашда ҳам қўл келиши айтилмоқда.

Мазкур янгиликни яқин келажакда одамларда синаб кўриш кўзда тутилган.

## Метрода музей

*Лондон кўчалари остида, 20 метр чуқурликда жойлашган метро бекатларидан бири музейга айлантирилади.*



“The Telegraph” нашрининг ёзишича, ушбу бекат 1927 йилда очилган ва 2003 йилда ёпилган. Ҳукумат янги музей учун 22 миллион фунт-стерлинг маблағ ажратмоқчи. У 2016 йилдан ўз фаолиятини бошлайди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


Эълон

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАР, ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОНЦЕРНЛАР ВА БАНКЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

# ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**ва унинг ҳудудий филиаллари (Самарқанд, Қарши, Фарғона, Урганч, Нукус)ни 2013/2014 ўқув йилида битираётган ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш мақсадида битирувчилар сони тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 108-уй. Телефон: (8-371) 238-64-60. Факс: (8-371) 235-10-40. Электрон манзил: www.tuit.uz**

| Т/р | Шифр | Таълим йўналиши номи | Битирувчилар сони | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сирдарё вилояти | Сурхондарё вилояти | Тошкент вилояти | Тошкент шаҳри | Фарғона вилояти | Қашқадарё вилояти | Хоразм вилояти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **БАКАЛАВРИАТ** | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | 5211700 | Кинотелеоператорлик | 22 | 0 | 1 | 0 | 1 | 1 | 0 | 1 | 1 | 0 | 1 | 12 | 2 | 1 | 1 |
| 2. | 5525800 | Махсус ёритиш технологияси | 26 | 0 | 0 | 2 | 1 | 3 | 0 | 2 | 1 | 3 | 3 | 8 | 0 | 3 | 0 |
| 3. | 5525500 | Аудио-видео технологиялар | 27 | 1 | 2 | 3 | 1 | 0 | 1 | 4 | 0 | 4 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 |
| 4. | 5525600 | Компьютер графикаси ва дизайн | 24 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 2 | 1 | 0 | 1 | 1 | 14 | 0 | 3 | 1 |
| 5. | 5525700 | Овоз ёзиш технологиялари | 24 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 6 | 0 | 1 | 4 | 5 | 0 | 3 | 3 |
| 6. | 5111018 | Касб таълими (информатика ва ахборот технологиялари) | 189 | 22 | 3 | 0 | 5 | 4 | 2 | 23 | 0 | 4 | 6 | 17 | 44 | 26 | 33 |
| 7. | 5320200 | Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик | 130 | 2 | 4 | 3 | 4 | 6 | 0 | 11 | 2 | 9 | 20 | 48 | 3 | 18 | 0 |
| 8. | 5230100 | Иқтисодиёт (алоқа ва ахборотлаштириш) | 51 | 2 | 1 | 4 | 1 | 3 | 1 | 3 | 0 | 1 | 6 | 16 | 1 | 10 | 2 |
| 9. | 5230200 | Менежмент (алоқа ва ахборотлаштириш) | 68 | 1 | 2 | 5 | 0 | 7 | 2 | 3 | 0 | 3 | 2 | 30 | 7 | 6 | 0 |
| 10. | 5521900 | Информатика ва ахборот технологиялари | 853 | 58 | 37 | 31 | 25 | 30 | 32 | 153 | 14 | 36 | 29 | 75 | 150 | 114 | 69 |
| 11. | 5522000 | Радиотехника | 80 | 0 | 5 | 4 | 2 | 4 | 2 | 8 | 3 | 10 | 7 | 29 | 1 | 5 | 0 |
| 12. | 5522100 | Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш | 107 | 0 | 4 | 9 | 0 | 3 | 2 | 5 | 1 | 9 | 18 | 41 | 2 | 10 | 3 |
| 13. | 5311300 | Телекоммуникация | 454 | 66 | 14 | 5 | 6 | 12 | 9 | 61 | 7 | 22 | 30 | 88 | 50 | 56 | 28 |
| 14. | 55233500 | Ахборот хавфсизлиги | 112 | 1 | 5 | 6 | 9 | 10 | 8 | 11 | 3 | 12 | 10 | 11 | 9 | 15 | 2 |
| 15. | 5523600 | Электрон тижорат | 29 | 0 | 0 | 1 | 0 | 2 | 1 | 2 | 2 | 1 | 3 | 5 | 3 | 6 | 3 |
| 16. | 5524400 | Мобиль алоқа тизимлари | 47 | 1 | 1 | 2 | 1 | 0 | 0 | 0 | 4 | 1 | 13 | 18 | 2 | 4 | 0 |
| 17. | 5620300 | Почта хизмати | 68 | 0 | 2 | 2 | 1 | 4 | 3 | 4 | 3 | 5 | 10 | 28 | 1 | 5 | 0 |
| 18. | 5610600 | Ахборот сервиси | 138 | 22 | 3 | 0 | 1 | 2 | 1 | 34 | 0 | 0 | 0 | 0 | 22 | 27 | 26 |
| 19. | 5811100 | Корхона сервиси (электрон ва компьютер техникаси) | 63 | 2 | 3 | 4 | 4 | 3 | 2 | 3 | 3 | 7 | 6 | 15 | 3 | 8 | 0 |
| | | Таълим йўналишлари бўйича битирувчилар сони | 2512 | 179 | 87 | 82 | 63 | 94 | 68 | 335 | 44 | 129 | 171 | 461 | 301 | 324 | 174 |
| | | **МАГИСТРАТУРА** | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | 5A330401 | Компьютер графикаси ва дизайн | 6 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 1 | 3 | 0 | 1 | 0 |
| 2. | 5A111001 | Касб таълими (мутахассисликлар бўйича) | 27 | 0 | 4 | 0 | 0 | 2 | 0 | 8 | 0 | 0 | 0 | 2 | 6 | 2 | 3 |
| 3. | 5A230102 | Тармоқлар иқтисодиёти (алоқа ва ахборотлаштириш) | 6 | 0 | 0 | 0 | 0 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 3 | 0 | 0 | 1 |
| 4. | 5A230201 | Менежмент (алоқа ва ахборотлаштириш) | 6 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 4 | 0 | 1 | 0 |
| 5. | 5A330202 | Ахборот ва мультимедиа технологиялари | 15 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 9 | 1 | 3 | 0 |
| 6. | 5A330201 | Компьютер тизимлари ва тармоқларининг дастурий таъминоти | 83 | 18 | 5 | 3 | 1 | 0 | 5 | 22 | 0 | 2 | 4 | 5 | 16 | 1 | 1 |
| 7. | 5A330203 | Амалий информатика | 18 | 0 | 0 | 1 | 0 | 1 | 0 | 1 | 0 | 0 | 1 | 12 | 0 | 0 | 2 |
| 8. | 5A330301 | Криптография ва криптотаҳлил | 9 | 0 | 0 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 2 | 3 | 0 | 1 | 0 |
| 9. | 5A330302 | Ахборот хавфсизлиги | 20 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 2 | 1 | 3 | 0 | 5 | 0 | 4 | 4 |
| 10. | 5A220201 | Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик | 5 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 1 | 2 | 0 | 0 | 0 |
| 11. | 5A311103 | Радиотехник қурилмалар ва алоқа воситалари | 10 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 2 | 6 | 0 | 0 | 0 |
| 12. | 5A311201 | Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш қурилмалари ва тизимлари | 11 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 1 | 0 | 0 | 0 | 3 | 5 | 0 | 1 | 0 |
| 13. | 5A311401 | Мобиль алоқа тизимлари | 14 | 1 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 1 | 9 | 0 | 2 | 1 |
| 14. | 5A311300 | Ахборот узатиш қурилмалари ва тизимлари | 31 | 1 | 2 | 0 | 1 | 1 | 1 | 1 | 0 | 1 | 1 | 19 | 1 | 1 | 1 |
| 15. | 5A311803 | Ахборот ўлчов тизимлари | 9 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 6 | 0 | 2 | 1 |
| | | Таълим мутахассисликлари бўйича битирувчилар сони | 270 | 21 | 13 | 7 | 2 | 7 | 8 | 35 | 1 | 10 | 16 | 93 | 24 | 19 | 14 |
| | | Университет бўйича жами битирувчилар сони | 2782 | 200 | 100 | 89 | 65 | 101 | 76 | 370 | 45 | 139 | 187 | 554 | 325 | 343 | 188 |

147А/72



**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ҳамда материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи бошқа ғоялар қабул қилинади.

Энг истиқболли ва жозибадор лойиҳалар бўйича республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга Фонд кўмаклашади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- Ариза (намуна бўйича);
- Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

188А/93



**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 11 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига:**

**I.** Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар савдога қўйилган:

**1.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 11 571,0 кв.м. бўлган, қурилиши тугалланмаган нотурар ва тураржой бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 56 897 906 629 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин Водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, умумий ер майдони 19 992,0 кв.м. бўлган нотураржой.

***Бошланғич баҳоси — 3 239 768 715 сўм.***

**3.** Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ойбек кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 1,84 гектар бўлган, қурилиши тугалланмаган болалар спорт-соғломлаштириш мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 674 274 672 сўм.***

**2014 йил 25 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**II.** Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар:

**1.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 355 817 000 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий майдони 517,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 156 925 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий ер майдони 501,0 кв.м. бўлган, 5 та хонадан иборат пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 362 031 000 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобоғ кўчаси, 61-63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган 2 қаватли уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 1 900 129 000 сўм.***

**5.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қибрай 1-тор (собиқ М. Жалил) кўчаси, 4-уйда жойлашган, умумий майдони 351,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 322 729 000 сўм.***

**6.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 12-уйда жойлашган, умумий майдони 329,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 185 948 000 сўм.***

**7.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирҳосилбой 1-тор кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 336,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 315 873 000 сўм.***

**8.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирҳосилбой кўчаси, 20-уйда жойлашган, умумий майдони 341,1 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 353 568 000 сўм.***

**9.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шалола кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 454,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 202 844 000 сўм.***

**10.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 382-уйда жойлашган, умумий майдони 817,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 348 190 000 сўм.***

**11.** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Анжиробод кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 794,0 кв.м. бўлган, пишиқ ғиштдан қурилган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 280 707 000 сўм.***

**III.** Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 2 сентябдаги 1-4382/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, Д20-квартал, 15-уйда жойлашган, умумий майдони 66 кв.м. бўлган бир қаватли офис.

***Бошланғич баҳоси — 62 500 000 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда, соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**

*Лицензия: № RR-0017.*

207А/90



**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 21 февраль куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:**

**I.** Қувасой шаҳар СИБ томонидан ФВХСнинг 2012 йил 17 майдаги 15-12-05/17159-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Қувасой шаҳри, Арсиф шаҳарчасида жойлашган, «Арсиф механизатор» ММТПга тегишли, умумий ва фойдаланиш майдонлари 205 кв.м. бўлган, 0013-литердаги темир бостирма (навес).

***Бошланғич баҳоси — 7 325 457 сўм.***

**II.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, «Эркабоевлар» МЧЖга қарашли, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,0 кв.м. бўлган, 0001-0016 литерлардаги керамзит базаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 372 211 040 сўм.***

**2.** Олтиариқ тумани, «Полосон» ҚФЙ, «Ибн Сино» МФЙ, Х. Эркабоев кўчасида жойлашган, «Эркабоевлар» МЧЖга қарашли, умумий майдони 1 894,38 кв.м., фойдаланиш майдони 1 629,45 кв.м. бўлган, 0001-0009, 0009а, 0009б, 0010, 0011, 0012 литерлардаги ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 103 216 014 сўм.***

**3.** Олтиариқ тумани, «Ҳамза» ШФЙ, «Янги ҳаёт» МФЙ, Навоий кўчасида жойлашган, Эркабоев Анваржон Ҳакимовичга қарашли, қурилиш ости майдони 569,65 кв.м., фойдаланиш майдони 631,10 кв.м. бўлган, 0001-0003 литерлардаги қурилиши тугалланмаган хусусий банк бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 143 894 490 сўм.***

**4.** Олтиариқ тумани, «Ҳамза» ШФЙ, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, «Обод Олтиариқ севинчи» МЧЖга қарашли, қурилиш ости майдони 2432,0 кв.м., фойдаланиш майдони 2216,6 кв.м. бўлган, 0001-0005 литерлардаги савдо базаси бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 30 883 252 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 19 февраль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 22-уй. Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.**

*Лицензия: № RR-0017.*

205А/90

## 9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

*Алишер Навоий асарларида, айниқса, “Хамса”да ҳар бир тушунча, мавзу, ҳаёт, инсон билан боғлиқ масалалар юксак даражада талқин этилади. Ишқ, кўнгил, вафо, қаноат, одоб-ахлоқ, сўз, ростлик ва ёлғончилик, саховат ва бухл (бахиллик, хасислик), ақл ва жаҳолат, илм ва залолат, яхшилик ва ёмонлик каби яна кўплаб мавзулар таҳлилида ана шу жиҳатни кўрамиз.*

# «...Кишидин яхши от қолғай жаҳонда»



Улуғ шоиримизнинг олам, ҳаёт, инсон ва умр мазмуни хусусида ҳам теран мулоҳазалари бор. Улар ҳақида “Хамса”да атрофлича фикр юритилган.

Ким учундир фаровон ва тўкис ҳаёт — умр мазмуни. Бошқа биров учун ҳисобсиз мол-мулк — бош мақсад. Кимларгадир соғ-саломат, тинч-осойишта умргузаронлик етарли. Ҳамма ўзича ҳақ. Аммо Навоий хулосалари қандай? Навоий кўп ўринларда умрнинг ўткинчилигига эътибор қаратади:

***Эй кўнгул, боқмағил жаҳон ишига,***
***Ким жаҳон қилмади вафо кишига.***

Хўш, шоир нима учун дунёнинг ўткинчилигини бот-бот эътироф этади? Бу тушкунлик, ҳаётга кўнгил қўймасликка чақириқми? Йўқ, Навоийнинг нияти бошқача. Унинг фикрича, олам гултожи инсон ҳисобланар экан, тирикликни ғанимат билиш, ҳаётни мазмунли ўтказиш айни муддаодир. Шоир бу ҳақда ёзади:

***Чу охир бўлурбиз адам, эй рафиқ,***
***Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ!***

Навоий талқинича, инсонийликнинг, яшашдан мақсаднинг муҳим шартлари бор. Шоир тасвирича, яхши ном қолдириш, эзгу ишлари, сўзу амаллари билан эл кўнглидан жой олиш — умр мазмуни. Олам бевафо, умр бебақо, тириклик абас экан, ҳар бир киши фақат яхши ном қолдиришга ҳаракат қилиши зарур:

***Минг йил уммид эрурки қилғайсен,***
***Яхши от-ўқ жаҳонга солғайсен.***

Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” асаридан олинган мана бу байти ҳар бир ўқувчига умр мазмуни, тириклик ва ҳаёт мақсадини англатиб тургандек бўлади:

***Қаю фанким шуруъ этмаклик анда,***
***Кишидин яхши от қолғай жаҳонда.***

**Тоҳир ХЎЖАЕВ,**
**Навоий давлат педагогика институти доценти.**

# МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ ХАЗИНАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Фойдаланувчиларга қулайлик яратиш, уларнинг вақтини тежаш мақсадида ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилмоқда. Қолаверса, бу ерда жисмоний имкониятлари чекланган ўқувчилар учун махсус аудио, видео дарсликлар ҳам мавжуд. Муассасамиздаги болалар адабиёти саккизта бўлимга ажратилган. Чунончи, мактаб ёшигача ва 1 — 4-синф ўқувчиларига хизмат кўрсатиш бўлими болаларни кутубхонага жалб этиш баробарида, уларнинг билим ва маърифатга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қилса, кейинги бўлим 5 — 9-синф ўқувчиларига таълим ресурслари бўйича ахборот хизмати кўрсатади. Бинобарин, китобхонларни ҳар томонлама етук инсон қилиб вояга етказиш, уларда китобга меҳр уйғотиш айнан ана шу бўлимлардан бошланади. Қолаверса, муассасамизда компьютер синфи фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Эътиборли томони, кутубхонамизда доимий равишда китобхонлар конференциялари, “Ёзувчилар — болаларга” ижодий учрашувлари, давра суҳбатлари, викторина ҳамда адабий кечалар уюштирилади. Пойтахтимиздаги мактаблар, боғчалар, шунингдек, коллеж ва академик лицей ўқувчилари ижодий учрашувларнинг доимий иштирокчиларидир.

Кутубхонанинг интернетдаги расмий сайти — kitob.uz нинг ташкил этилгани эса ўқувчилар учун янада қулайликлар яратди. Ушбу сайт ўзбек ва рус тилларида фаолият кўрсатмоқда. У асосан, ўқувчи-ёшлар учун мўлжалланган маълумотлар билан тўлдирилиб, юз мингга яқин электрон китоблар ва турли соҳалардаги маълумотлар базаси яратилган. Мазкур сайт орқали ўқувчилар кутубхона фондидаги бадиий адабиётлар, қўлланмалар ва электрон дарсликлар билан муфассал танишишлари мумкин. Бугун сайтда китобхонлар учун ўнлаб саҳифалар мавжуд бўлиб, ҳар бир китобхон ўз уйидан туриб, ушбу сайт жавонидан ўзига керакли бўлган китобни топиб ўқиш имкониятига эга. Шу кунларда сайтнинг “Нодир китоблар” саҳифасини тайёрлаш бўйича амалий ишлар давом этаяпти.

Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич синф ўқувчилари учун инглиз тилида “Interesting games” машғулотларини ташкил этдик. Унда иштирокчилар турли расмлар, видеолавҳалар орқали инглиз тилини ўрганишлари йўлга қўйилди.

Кутубхоналар бир неча асрлик тарихни ўз ичига олган ноёб китоблар, қўлёзмалар, шунингдек, инсон маънавий тамаддунининг бой хазинасини жамлаган даргоҳдир. Китоб билан дўст тутинган фарзанд эса юксак маънавиятли, кенг дунёқарашли бўлиб камол топиши муқаррар.

**Дониёр ЎРОЛОВ,**
**Республика болалар кутубхонаси директори.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Ҳарорат қачон кўтарилади?

*Қиш чилласи чиқишига саноқли кунлар қолганида мамлакатимизда ҳаво ҳарорати кескин пасайиб, заминни қалин қор қоплади. Бу ҳол юртдошларимиз қалбига қувонч бағишлаш билан бирга, бир оз хавотир ҳиссини уйғотгани ҳам бор гап. Сабаби, аксарият кишилар таҳририятга бир савол билан мурожаат қилишмоқда: совуқ об-ҳаво қачонгача давом этади?*

## БУГУННИНГ ГАПИ

Биз бунга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг мутахассисларига мурожаат қилдик.

— Ўзбекистонда совуқ об-ҳаво февраль ойининг биринчи ўн кунлигида сақланиб туради, — дейди марказнинг синоптик-муҳандиси Гавҳар Мамажонова. — Бу пайтда ҳаво ҳарорати кўп йиллик ўртача меъёрдан 10-15 даража паст бўлиши кутилаяпти. Аниқроғи, 10 февралга қадар республикамиз ҳудудида ҳарорат кечалари 10-15 даража совуқ (4-6 февраль кунлари 15-20 даража совуқ), кундузлари эса 5-10 даража совуқ бўлади. Мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларида ҳарорат 5 февралдан сўнг бир оз “ташлайди” ва об-ҳаво кейинги кунлари кечаси 18-23 даража, кундузи 8-13 даража совуқни ташкил этади.

*— Юртимизда кескин совуқ об-ҳаво кузатилишининг сабаби нимада? У қандай омилларга боғлиқ?*

— Ҳудудимизда аномал даражадаги совуқ об-ҳаво шароити кузатилишига Россиянинг Европа қисмидан Волгабўйи ва Қозоғистон орқали мўътадил ҳамда арктик ҳаво массаларига тўйинган совуқ ҳаво оқими кириб келгани сабаб бўлди. Бундай синоптик жараён натижасида республикамиз бўйлаб ҳаво ҳарорати кескин тушиб кетди. Айниқса, 3 февралда аксарият вилоятларда кечаси 13-16 даража, кундузи 10-12 даража совуқ ҳарорат қайд этилди. Шимолда эса симоб устунчаси кечаси 24-28 даражагача (Устюртда 31-33 даража совуқ), кундузи 15-20 даражагача пасайди.

*— Айтинг-чи, бундай ҳолат Ўзбекистон иқлимига хосми? Шунга ўхшаш об-ҳаво охирги марта қачон кузатилган?*

— Охирги 25 йиллик маълумотлар шуни тасдиқлайдики, юртимизда 2008 ва 2012 йилларда ҳам жуда совуқ об-ҳаво кузатилиб, ҳарорат қиш фаслининг айни шу вақтида кескин тушиб кетган. Мисол учун, 2008 йил февраль ойининг биринчи ярмида 15-20 даража, айрим жойларда эса 22-25 даража совуқ бўлган. Хусусан, Тошкент шаҳрида ҳаво ҳарорати 2008 йил 11 февралда 15 даража совуқни ташкил этган.

2012 йилда совуқ об-ҳаво шароити 4-9 февраль кунларига тўғри келган экан. Мазкур даврда кўпгина вилоятларда 12-17 даражача совуқ кузатилган бўлиб, шимолда 25 даражагача пасайган. Шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бу йилги февраль ойининг биринчи беш кунлигидаги совуқ об-ҳаво шароити ҳароратнинг кўп йиллик абсолют минимум даражасига яқинлашаяпти.

Бироқ хавотирланишга ўрин йўқ. Ҳадемай, совуқ ҳаво оқими чекиниб, унинг ўрнини мўътадил ҳарорат эгаллайди ва симоб устуни секин-аста меъёрига яқинлашади.

**Саид РАҲМОНОВ ёзиб олди.**

## ТАҚДИМОТ

*Шу кунларда Францияда йирик чакана савдо оператори — “Auchan” компанияси кўмагида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этишга қаратилган реклама кампанияси ўтказилмоқда. “Auchan” компанияси томонидан 10 миллион нусхада чоп этилган Ўзбекистон бўйлаб саёҳат рекламаси буклетлари мамлакатнинг барча нуқталарида тарқатилаётир.*

# «Auchan Voyages» франциялик сайёҳларни Ўзбекистонга таклиф этади

Серқуёш ўлкамиз бўйлаб саёҳат йўналиши “Auchan Voyages” агентлиги томонидан Самарқандда фаолият кўрсатадиган “Orient Voyages” сайёҳлик компанияси билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Саёҳат дастури жорий йилнинг апрель, май, июнь, сентябрь ва октябрь ойларида франциялик сайёҳларни Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари билан таништиришни кўзда тутади.

Компаниянинг “Auchan” ҳафталик каталоги ҳамда www.voyagesauchan.com веб-саҳифасида мазкур саёҳат ҳақида батафсил маълумот берилган. Шунингдек, Тошкент, Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида жойлашган тарихий осориатиқалар хусусидаги ахборотлар ҳам франциялик саёҳат ишқибозлари эътиборига ҳавола қилинган.

“Auchan Voyages” агентлиги тарқатган хабарга қараганда, Ўзбекистонга ташкил этиладиган саёҳат чипталарининг бозори чаққон бўлмоқда — апрель ойига мўлжалланган сайёҳлар гуруҳи аллақачон тўлган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу ҳақда “Euronews” телеканалида намойиш этилган промо-ролик сотувнинг ўсишига кўмаклашаяпти.

“Auchan” АҚШдаги “Wall-Mart Stores” ҳамда Франциядаги “Carrefour” чакана савдо операторларидан кейин дунёда учинчи ўринда турадиган компания ҳисобланади. У ўзининг 600 дан зиёд супермаркет ҳамда магазинларига эга.

**«Жаҳон» АА.**
Париж


**БИЛДИРИШ**

**«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 30 январдаги 21-сонида хабар қилинган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 16-уй, 68-хонадонда жойлашган уй-жойнинг аукцион савдоси Учтепа тумани суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 30 январдаги хатига асосан тўхтатилди.**

*«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.*

208А/90






**Фестивалнинг асосий шарти:** қўшиқлар фақат жонли ижро этилади.

**Фестивалнинг асосий мезони:** қўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матннинг таъсирчан ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, саҳна ҳаракати, нутқ маданияти ва ижро услубидир.

Фестивалда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ҳамда ҳаваскор санъаткорлар иштирок этади.

Фестиваль лауреатлари 2014 йил сўнгида фестиваль якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

**Қўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлинмаларидан ҳамда интернетдаги www.uzbeknavo.uz сайтидан олиш мумкин.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.**

195R/17



**«Тошкент труба заводи» ҚК**



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотади.**
*(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган).*

**Сув ва газ ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 10705-80, Ø 15 — 114 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 250 000 сўмдан бошлаб.

**Газ ва нефть ўтказувчи қувурлар —** ГОСТ 20295-85, Ø 159 — 337 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 500 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100, 150х150, 170х170.

**Тўғри бурчак кесимидаги пўлат қувурлар —** ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120, 80х150, 60х125. Девор қалинлиги 1,0 — 4,0 мм., баҳоси 1 тонна учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Бундан ташқари, қўшма корхона «API-5L» стандарти бўйича ишлаб чиқарилаётган Ø 325 мм.дан Ø 1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм.гача бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурларни харидорларга таклиф этади.
Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.

60R/956

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**



● **Реклама ва эълонлар** ●



**«Қибрай»**
*клиник санаторийси*

**юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.**

**Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.**

**Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

***Манзилимиз:***
**Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.**

***Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.***

47/6


Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Х. Қ. Джуманиязовга волидаи муҳтарамаси
**Шукур момо ЕРМАНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси банк тизими фахрийси Шербой Ёқубовга турмуш ўртоғи
**ТУРСУНОЙ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректорати ҳамда касаба уюшма қўмитаси институт фахрийси, филология фанлари доктори, профессор
**Ғайрат Орипович ЖАЛОЛОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O`zbektelefilm” давлат унитар корхонаси жамоаси директор ўринбосари Солиқжон Қурбоновга волидаи муҳтарамаси
**Муқаддам БОБОЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 455 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.**
**Навбатчи — С. Махсумов.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.45** 1 2 3 4 5